КУТУБХОНАСИ

Тошкент оқшоми

2006 ЙИЛ, 17 МАЙ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 93 (10.650) Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

КЕЧА «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАЛАР КОМПЛЕКСИНИНГ МАРКАЗИЙ ПАВИЛЬОНИДА ЎНИНЧИ БОР ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН «ЎЗБЕКИСТОН НЕФТИ ВА ГАЗИ» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ БОШЛАНДИ. «ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ КЎРГАЗМАНИНГ РАСМИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИЛАРИДИР.



Кўргазмалар

ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧАДИ

Таъкидлаш жоизки, мазкур кўргазмага асос солинганидан буён у МДҲ мамлакатлари бўйича энг йирик тадбирлар қаторидан ўрин олди ва кўргазмада жаҳоннинг 35 мамлакатидан 700 га яқин компания иштирок этди. Мутахассисларнинг эътироф этишича, «Нефть ва газ» кўргазмаси маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг ютуқлари самарали намойиш этиладиган майдонига бўлиб қолмасдан, балки юртимиз нефть-газ тармоғини бундан буён ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорлик асосида тараққий эттириш механизмига ҳам айланди.



Тадбир ўтказиб келинаётган даврда кўргазманинг доимий иштирокчиларининг сафлари шаклланди. Бинобарин, ҳар йили кўргазмада Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Польша, Франция, Швеция, Ироқ, Хитой, АҚШ, Россия, Украина, Қозоғистон каби мамлакатлар давлат тузилмаларининг мансабдор шахслари, тадбиркорлар делегациялари, таниқли нефть-газ компанияларининг вакиллари иштирок этмоқда.

Бу галги ўнинчи кўргазма аввалгиларидан ҳам қатнашчилари сони (16 мамлакатнинг 120 та компанияси), ҳам жойлашган майдони жиҳатидан анча улканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Яна бир эътиборга молик томони шундаки, кўпгина иштирокчи компаниялар нафақат замонавий технология ва асбоб-анжомларини намойиш қилиш, балки мамлакатимиздаги ҳамкорлар билан биргаликда ишлаш мақсадини ўз олдиларига қўйишган.

Кўргазма стендларига назар ташлар экансиз, нефть ва газ қазиб олиниши ва унга чуқур қайта ишлов берилишини жадаллаштириш билан боғлиқ замонавий технологияларга катта ўрин берилганлигининг гувоҳи бўламиз. Етакчи нефть-газ компаниялари нефть ва газни ташиш технологиялари, нефть-газ конларини излаб топиш ва қазиш борасидаги сўнгги ютуқларни, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида углеводород салоҳияти бўйича ишланмаларни намойиш этмоқдалар.

Шунингдек, «Нефть ва газ — 2006» халқаро кўргазмаси доирасида бугун ва эртага «XXI асрнинг Ипак йўли: нефть-газ шўъбасининг Марказий Осиё мамлакатлари интеграциясидаги аҳамияти» мавзусида халқаро конференция ҳам бўлиб ўтади.

Ўйлаймизки, нуфузли халқаро кўргазма қатнашчиларнинг ўзаро амалий алоқалар ўрнатиши, нефть-газ соҳасида янги ҳамкорликни йўлга қўйиш учун кенг имкониятлар очади.

(Ўз мухбиримиз)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751- сонли Фармонига мувофиқ ҳамда устувор инвестиция лойиҳаларини самарали молиялаштиришни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилансин:

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси Жамғарма ижроия органи ва унинг маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади;

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси таркибида тегишли лойиҳаларни молиялаштириш бўйича тавсияномалар берилиши учун масъул бўлган эксперт гуруҳи ташкил қилинади;

Жамғарманинг ижро этувчи директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод қилинади, мақоми бўйича эса Вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси фаолияти Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида Жамғарма маблағлари ҳисобидан таъминланади.

2. Қуйидагилар:

бошқарув ходимлари сони 15 нафардан иборат бўлган Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш принциплари тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, ҳар ойда Жамғарма ҳисобига:

республиканинг айрим стратегик ресурслари бўйича жаҳон бозорларидаги қулай нархлар натижасида ҳосил бўлиб, ортиқча фойдадан олинадиган солиқлар, ер бағридан фойдаланганлик учун солиқ ва акциз солиғи тарзида республика бюджетига режадан ортиқча тушадиган маблағлар;

ҳар йили Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан қимматбаҳо металларга белгиланадиган чегара нархдан жаҳон нархининг ошиши натижасида тушадиган маблағлар ўтказиб борилади.

Шу билан бир қаторда, келиб тушишига қараб Жамғарма ҳисобига:

Ўзбекистон Республикасининг хорижий шериклар билан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлари доирасида маҳсулотни сотишдан оладиган даромадлари;

давлат мулкини хорижий инвесторларга чет эл валютасига сотишда Давлат бюджети даромадлари режасидан ортиқча тушадиган маблағлар;

Жамғарма активларини бошқаришдан, шу жумладан Жамғарма маблағларининг бўш қолдиқларини жойлаштиришдан олинадиган инвестиция даромадлари ўтказилади.

4. Қуйидагилар белгилансин:

Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварақларда чет эл валютасида шакллантирилади;

Жамғарма молиялаштиришни таклиф этиладиган инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги ва ўзини қоплаш муддатларини ҳисобга олган ҳолда молиялаштириш шартлари ва Жамғарма маблағларини қайтариш механизми тўғрисида ваколатли банклар билан имзоланадиган бош битимлар асосида амалга оширади;

Жамғарма томонидан ваколатли банкларга бериладиган кредит ресурслари бўйича фоиз ставкаси йилига 6 фоизгача табақалаштирилган миқдорларда белгиланади.

5. Жамғарма активларининг барқарорлиги ва уларнинг даромадлилигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Жамғарма билан ишончли бошқарув тўғрисидаги бош битим асосида Жамғарма маблағларининг бўш қолдиқларини юқори ликвидли, ишончли хорижий молия воситаларига жойлаштиришни амалга оширсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки бир ой муддатда:

Жамғарманинг бўш қолдиқларини хорижий молия воситаларига, инвестиция операцияларига жойлаштириш тартибини, жумладан Жамғарма маблағларининг бир қисмини ишончли ташқи бошқарувчи томонидан бошқаришга топширишни белгилаб берадиган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашга тасдиқлаш учун киритсин;

Жамғарма манбаларидан бири сифатида - алоҳида солиқ ставкалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини шакллантириш Тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси зарур алоқа воситалари билан таъминланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки биносига жойлаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Марказий банки, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар киритилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 16 май.

ҲАМКОРЛИГИМИЗ САМАРАСИ

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДА ИМЗОЛАНГАН ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА — АМАЛДА

ЎТГАН ЙИЛНИНГ НОЯБРЬ ОЙИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВЛАДИМИР ПУТИН ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ИККИ МАМЛАКАТ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ, ЖУМЛАДАН ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ АЛОҚАЛАРНИ СИФАТ ЖИҲАТДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚДИ.

Россиянинг йирик компанияси «Лукойл» сўнгги йилларда Ўзбекистон бозорида фаол иш олиб бормоқда. Тошкентда Маҳсулотни тақсимлашга оид битимга (МТБ) биноан Кандим газ конларини ўзлаштириш учун «Лукойл Узбекистан Оперейтинг Компани» операция компанияси ташкил этилди.

Янги тузилма мамлакатимиз жанубий-ғарбидаги Кандим газ конларини ўзлаштириш бўйича қиймати қарийб бир миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳа ижроси билан шуғулланади. Мамлакатимиз ҳукуматининг қарорига кўра, МТБга мувофиқ «Лукойл Оверсиз Узбекистан Лтд» шўъба корхонасига тақдим этилган имтиёз ва енгилликлар унга ҳам татбиқ этилади.

Лойиҳанинг амалий ижроси учун «Лукойл» нефть компанияси МТБ бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзининг шўъба корхонаси — «Лукойл Оверсиз Узбекистан Лтд»га тўлалигича тақдим этди.

Ўтган йилнинг ёзида Россиянинг «Лукойл» очиқ акционерлик жамияти, Ўзбекистон ҳукумати ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси (МХК) Кандим газ конлари, Хаузак ва Шади қўшимча участкалари ҳамда республика шимоли-ғарбидаги Қўнғирот участкасини ўзлаштириш бўйича МТБ имзолади. Томонлар лойиҳани амалга ошириш учун инвестиция консорциуми ташкил этди. Унда Россия компаниясининг улуши 90 фоиз, Ўзбекистон томонининг улуши эса 10 фоиздан иборат. 35 йилга мўлжалланган битим шартларига кўра, Россия компанияси бирламчи босқичда қазиб олинган маҳсулотнинг 49,8 фоизига эгалик қилади, Ўзбекистоннинг улуши эса 50,2 фоиз бўлади. Ушбу конларда табиий газни саноат йўли билан қазиб олиш 2007 йилда бошланади. Шартнома ҳудудида тасдиқланган табиий газ заҳиралари ҳажми тахминан 400 миллиард куб метрни, газ конденсати эса 10 миллион тоннадан ортиқни ташкил этади. 1966 йилда очилган Кандим конининг газ заҳираси 150 миллиард куб метрга тенг.

Конлар лойиҳа қувватига чиққач, ҳар йили қазиб олинадиган газнинг ҳажми қарийб 9 миллиард куб метрга, лойиҳа доирасида жамғарилган табиий газнинг умумий ҳажми эса 219 миллиард куб метрга етиши мумкин.

Кандим гуруҳи конларида қазиб олинадиган газни Россия ва у орқали Европага «Газпром» ОАЖнинг магистрал газ-транспорт тармоқлари орқали экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Лойиҳада йилига 6 миллиард куб метр газни қайта ишлай оладиган замонавий газ-кимё мажмуини қуриш ҳам кўзда тутилган. Унинг биринчи навбатини 2011 йилда ишга тушириш мўлжалланган.

Газ ва газ конденсати конларини ўзлаштириш бўйича қиймати қарийб бир миллиард АҚШ долларига тенг Ўзбекистон-Россия лойиҳасининг амалга оширилиши кўплаб мутахассислар, экспертларни жалб қилишни, жуда кўп тадқиқотлар, ҳисоб- китоблар, бошқа ишларни бажаришни талаб этади. Шу сабабли «Лукойл» ОАЖ раҳбариятининг қарорига кўра уч йил аввал Тошкентда компаниянинг ваколатхонаси очилган эди.

2006 йил 16 майда пойтахтимизда «Лукойл Оверсиз Узбекистан Лтд» офиси биноси пойдеворига дастлабки тош қўйиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан «Лукойл» ОАЖ президенти Вагит Алекперов нефть-газ соҳасида самарали йўлга қўйилган Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришган келишувларининг амалий натижаси эканлигини таъкидлади.

Виктор НИКОЛАЕВ,
Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА мухбирлари

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Тошкент Молия институтида Юнусобод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилган тадбир «Ёшлар тарбиясида маънавий-диний қадриятларнинг уйғунлиги» деб номланди.

● **БУГУН** Сергели туманидаги «Новатор» масъулияти чекланган жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Мамлакатда сиёсий партияларнинг ўрни ва демократик жамият қуришдаги ҳиссаси» мавзуида уюштирилган давра суҳбатида Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партиясининг туман бўлимлари вакиллари иштирок этишди.

● **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги «Сувсаноатмаш» очиқ акциядорлик жамиятида «Ёшларимиз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасин» мавзуида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Энергетика ва энергияни тежаш Ўзбекистон— Power Uzbekistan 2006» 1-халқаро кўргазмаси очилди. Эртага ўз ишини якунлайдиган мазкур йирик халқаро тадбирда Россия, Украина, Эрон, Франция, Туркия, Қозоғистон, Эстония ва Ўзбекистон каби мамлакатларнинг 40 дан ортиқ компаниялари иштирок этмоқда.

● «Ўзбекистон» нашриётида ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланган, рангли суратлар билан безатилган «Бугунги Андижон» номли китоб чоп этилди. Унда юртимизнинг гўзал ва обод ҳудудларидан бири бўлмиш Андижон вилоятининг бугунги ҳаёти, бу ерда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланиш жараёнлари ҳақида атрофлича ҳикоя қилинади.

● Тошкентда истеъдодли ёш мусаввир Олимжон Матсафоевнинг «Жасоратдан яралган гўзаллик» деб номланган шахсий кўргазмаси очилди. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ҳомийлигида ташкил этилган мазкур ижод намуналари намойишига рассомнинг 70 дан ортиқ асари қўйилган.

● «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятининг «Ширин» маданият саройида «Ватан», «Умид», «Ишонч», «Мурувват», «Баҳор», «Ҳумо» ва «Кимёгар» маҳаллаларидан таклиф этилган 200 нафар кишига дастурхон ёзилиб, ўн нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди.

● Андижон шаҳридаги Темирйўлчилар шифохонасида болалар бўлими очилди. Бу ердаги хоналар 2-3 кишига мўлжалланган бўлиб, тегишли шарт-шароитлар яратилган. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси бўлимни керакли ускуналар билан жиҳозлаш учун 60 миллион сўм ажратди.

● «Тошкентленд» истироҳат боғида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Болалар ва юлдузлар — 2006» мавзуидаги фестиваль бошланди. «Ўзэкспомарказ» ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир бир ҳафта давом этади.

● Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қорақалпоғистонлик таниқли шоир Бахтиёр Генжамуродовнинг «Укуздарё битиклари» номли янги китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда Зангиота тумани соғлиқни сақлаш бўлими ҳамкорлигида Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинида «Йилнинг энг яхши ҳамшираси» кўрик-танлови ўтказилди.

● Бекобод тумани марказий кутубхонасида «Ҳеч кимни унутмас халқ эҳтироми» мавзуида китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмадан Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Озод Шарафиддинов ҳамда Муҳаммад Юсуфнинг асарлари ўрин олди.

ЖАҲОНДА

● Италия тарихидаги ўн биринчи Президент Жоржо Наполитанонинг иннаугурация маросими бўлиб ўтди. Яқин кунларда Италиянинг янги Президенти мамлакат Бош вазири Романо Продига бўлажак ҳукумат таркибини тузиш юзасидан кўрсатма бериши кутилмоқда.

● Кеча Шимолий Осетиянинг Владикавказ шаҳрида Бесландаги мактабда террорчилик ҳаракатларини содир этишда қатнашган ягона тирик қолган террорчи Нурпоша Кулаев устидан суд ҳукмини ўқиш жараёни бошланди. Кулаев Жиноят кодексининг 8 та моддаси бўйича айбланмоқда.

● Кеча Дағистоннинг Қизил юрт шаҳрида амалга оширилган махсус операция чоғида беш қаватли уйга кириб қолган икки хавфли террорчи йўқ қилинди. Операция чоғида шунингдек, махсус хизмат вакилларининг биттаси ҳаётдан кўз юмди, тўққиз нафари тан жароҳатларини олди. Террорчилар жойлашган квартирадан шаҳардаги 20-мактабни босиб олиш режаси чиқди.

● Афғонистонда полиция постига жангарилар ҳужум уюштиришди. Қарийб бир соат давом этган тўқнашув мамлакатнинг Пакистон билан чегарадош Хост тоғли вилоятида содир бўлган. Отишма чоғида ҳалок бўлган тўрт кишининг икки нафари полиция нозиридир.

● Пекин полицияси 2008 йилги Олимпиада ўйинларида хавфсизликни таъминлаш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Тайёргарликнинг асосий қисми турли террорчилик ҳужумларига қаршилик кўрсатиш усулларини қайта ишлашга бағишланади. Тайёргарлик дастурида жами 40 мингдан ортиқ полициячилар иштирок этмоқда.

● Кеча Қора денгизда Россияда ишлаб чиқарилган «РТ-1000» роботи ёрдамида 495 метр чуқурликдан яқинда ҳалокатга учраган «А-320» самолётининг қора қутиларини излаш ишлари бошлаб юборилди.

● Кеча Берлиндаги Шонефельд аэропортида анъанавий 8-халқаро авиашоу ўз ишини бошлади. Ушбу нуфузли кўргазма бир ҳафта давом этади.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 18 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли кучли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 29-31 даража иссиқ бўлади.

Маҳалланг — ота-онанг

ХАЛҚИМИЗНИНГ ОНГИГА СИНГИБ КЕТГАН «ҚЎШНИНГ ТИНЧ — СЕН ТИНЧ» ИБОРАСИ АСОСИДА ЯШАШ ВА МЕҲНАТ ҚИЛИШГА ЎРГАНГАН МАҲАЛЛА АҲЛИНИНГ ШУ КУНЛАРДАГИ БУТУН ФИКРИ-ЗИКРИ МАҲАЛЛАЛАРДА БОШЛАНИБ КЕТГАН ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИНГ САЙЛОВИГА ҚАРАТИЛГАН, ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ. ҚАЕРДА БЎЛМАСИН, ИШХОНАДАМИ, ЧОЙХОНАДАМИ ЁКИ ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИДАМИ ОДАМЛАР ОҒЗИДА МАҲАЛЛАЛАРДА ЎТАЁТГАН САЙЛОВ ҲАҚИДА, КИМ РАИС БЎЛДИ-Ю КИМЛАР УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИГА АЙЛАНДИ, ШУ ҲАҚДАГИ МУЛОҲАЗАЛАРНИ ЭШИТАМИЗ.

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ КЕРАК

Маҳаллада бир тамойил доимо устун: яъни, уй олма-ю қўшни ол, дейилади ва шу қоидага амал қилиб яшашади. Бу қоида миллатимизнинг қадриятига айланган бўлиб, қўшнилар билан тинч, аҳил бўлиб яшаш замирида Ватан ичра кичик бир Ватан бўлган маҳалланинг тинчлигини, маҳалла тинч бўлса юртимиз тинч, осойишта бўлиши ётади. Маҳаллани тинчлик ва аҳиллик кўрғонига айлантиришда, унинг битмас-туганмас имкониятларини: бола тарбиясидан тортиб, тўй ва дафн маросимларини ташкил этишгача бўлган имкониятларини рўёбга чиқариш кўп жиҳатдан маҳалла бошқарувининг раҳбарларига — фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиларининг ишчанлигига, эл орасидаги обрў-эътиборига боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам айни кунларда бўлиб ўтаётган маҳалла фуқароларининг йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг сайлови ҳар бир маҳалладаги фуқароларнинг ўз маҳалласига бўлган ҳурмат-эътиборини билдириши, уларнинг бу ўта муҳим ишга қандай ёндошишларининг ёркин кўриниши бўлмоғи даркор. Қачонки фуқаролар ўз маҳалласини «Маҳалла — отам, маҳалла — онам», деб эъзозласа, аҳиллик ва бахамжиҳатликни кўз қорачиғидек эҳтиёт қилса, ўша маҳалла бошқарувининг таркиби фидойи кишилардан таркиб топишига шак-шубҳа йўқ.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасида қатъий қилиб ёзиб қўйилганидек, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларга қўйиладиган талаблар сайловда иштирок этаётган ҳар бир фуқаро ўзининг қатъий сўзини ўйлаб айтишини, номзод шахси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишини талаб этади. Агар номзод амалдаги маҳалла оқсоқоли бўлиб, янгитдан шу лавозимга муносиб кўрилган бўлса, унинг ўтган 2,5 йиллик ваколати давридаги қилган ишларига чуқурроқ разм солиш керак. Чунки биринчи бор амалиётга киритилаётган мазкур Қонун раис (оқсоқол) номзодига ўта талабчанлик билан ёндошувни талаб қилади. Яъни қонунда ўқтирилганидек, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қоида тариқасида олий маълумотли бўлиши ва сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, шунингдек, ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак».

Неъматжон ҲАСАНОВ,
тарих фанлари
номзоди, доцент

БАРЧАГА БИРДЕК МЕҲРИБОН

АЛБАТТА МАҲАЛЛАНИНГ ОБОД МАСКАНГА АЙЛАНИШИДА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ ВА МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС. ЧУНКИ, АҚЛЛИ, БИЛИМДОН, ҲАР БИР КИШИГА ЎРНАК БЎЛАДИГАН ТАШКИЛОТЧИ ИНСОНГИНА МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ БЎЛА ОЛАДИ. БУНИ АЙНИ КУНЛАРДА ШАҲРИМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВЛАРИ ҲАМ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАБ ТУРИБДИ. ШУНИСИ ЭЪТИБОРЛИКИ, МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ФАОЛЛАРИ ЎЗЛАРИ ҲУРМАТ ҚИЛГАН, ИШОНГАН ИНСОННИГИНА ОҚСОҚОЛЛИККА САЙЛАМОҚДАЛАР.

Куни кеча Юнусобод туманидаги «Шодлик» маҳалласига йиғилган овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 63 нафар фаоллар, ёшлар фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этишди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишини очар экан, ишчи гуруҳининг раиси Барно Абдуллаева йиғилганларга кун тартибига қўйилган масалалар орасида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиларини сайлаш бугунги кунниг асосий вазифаси эканлигини, оқсоқолликка Мираҳмад Муҳамедов, Рустам Ҳасанов ва Ҳусан Юнусовларнинг номзодлари қўйилганлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, ишчи гуруҳи раиси томонидан оқсоқолликка номзодларнинг таржимаи ҳоллари ўқиб эшиттирилди. Сўнг Мираҳмад Муҳамедов йиғилганларни икки ярим йил мобайнида фуқаролар йиғини томонидан бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар билан таништирди, юзага келаётган айрим муаммоларга ҳам тўхталиб ўтди. Яъни ободонлаштириш, маҳаллани кўкаламзорлаштириш борасида фаолларнинг, маҳалла аҳлининг бир ёқадан бош чиқариб, тез-тез ҳашарлар уюштириши оқибатида маҳалла кўчалари қайта таъмирланганлиги, ҳар йили баҳор, куз ойларида хонадонларга, кўчаларга мевали-манзарали дарахт кўчатлари, гул кўчатлари ўтқазилганлигини яна бир карра эслатди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар вакиллари, ёрдамга муҳтожлар, икки, 18 ёшгача бўлган болаларга моддий ёрдам пуллари ўз вақтида етказиб бериляпти. Ҳар байрамда меҳрга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олинади, эсдалик совғалари, дори-дармон воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилади. Ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларида 271-мактаб ҳамда қўшни «Кулолқўрғон» маҳалласи ҳамкорликларида тез-тез турли хил мавзуларда давра суҳбатлари, спорт мусобақалари уюштирилади. Болалар футболи ривожига эътибор қаратилаётгани туфайли «Шодлик» маҳалласи болаларидан тузилган жамоа «Футболимиз келажаги» турнирида Юнусобод туманида пешқадамликни, шаҳар миқёсида иккинчи ўринни қўлга киритди. Ўтган йили ҳамда жорий Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ногиронлар, туғиш ёшидаги аёллар, болалар, кексалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бироқ маҳаллада ҳали бажариладиган ишлар талайгина. Буни баҳамжиҳатлик билан ҳал этиш лозим.

Маҳалла оқсоқолининг ҳисоботи юзасидан сўзга чиққан Тожибой Раҳимжонов, Ўткир Усмонов, Ҳабиба Тўлаевалар фуқаролар йиғини раиси фаолиятига юқори баҳо беришди. Овоз бериш натижаларига кўра доимо маҳалладошлари оғирини енгил қилиб, барчага бирдек ёрдам бераётган меҳрибон, жонкуяр инсон Мираҳмад Муҳамедов яна оқсоқоллик фаолиятини давом эттирадиган бўлди.

Шунингдек, йиғилишда тафтиш комиссияси раиси Муродхўжа Ғуломхўжаевнинг ҳам ҳисоботи тингланиб мажлис аҳли томонидан қониқарли деб топилди.

Оқсоқолликка сайланган Мираҳмад Муҳамедов катта ишонч учун йиғилганларга миннатдорчилик билдирди ва уларни келгуси режалари билан таништирди. Маҳалла ҳудудидаги «Болтамозор» қабристонидаги қурилиш-таъмирлаш ишларини тугаллаш, маҳаллада замонавий гузар бунёд этиш, футбол стадиони қурилишини бошлаш Мираҳмад аканинг энг катта орзуси.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ — АМАЛДА

ХУСУСИЙ МУЛК БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АСОСИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ХУСУСИЙ МУЛККА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ ЖАМИЯТНИНГ ҲАР БИР ФУҚАРОСИГА ТААЛЛУҚЛИ ЭНГ АСОСИЙ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАР СИРАСИГА КИРАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 208-моддасига асосан фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий жамғармалар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар хусусий мулк ҳуқуқи субъектлари ҳисобланади. Қонунга мувофиқ мулк объектлари доираси чекланмайди, унга кўра қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 81-моддасига мувофиқ хусусий мулк ҳуқуқи объектларига ашёлар, шу жумладан, пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шунингдек, мулкий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек, шахсий номулкий ҳуқуқлар, бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар киради.

Қонун бўйича фуқаро ёки юридик шахс сотиб олиши, фойдаланиши ва ҳадя қилиши мумкин бўлган ҳар қандай нарса хусусий мулк объекти бўлиши мумкин.

Хусусий мулк ҳуқуқининг жорий қилиниши ва унинг объекти турли хил мол-мулкдан иборат бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида мол-мулкнинг кўчмас мулк ва кўчар мулкка бўлиниши белгилаб қўйилган (83-модда) Фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли бўлган хусусий мулк асосан уларнинг манфаатлари учун хизмат қилади. Хусусий мулк объектларининг турлари ва миқдорларига нисбатан айрим чекловлар қўйилиши мумкин. Лекин бундай чеклашга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда, яъни Конституциявий тузумни, ахлоқий қоидаларни, фуқароларнинг соғлиғини, уларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида йўл қўйилиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 207-моддасида «Қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритилган мол-мулкка эгалик қилиш», шунингдек, 209-моддасида «Қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий бўлиши мумкин»лиги ҳақидаги қоидалар назарда тутилган.

Ўз мол-мулкидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида фойдаланиш борасидаги мумкинлиги ҳам мулк эгасига берилган энг муҳим ҳуқуқлар сирасига киради. Фуқаро тадбиркорлик фаолияти билан юридик шахс ташкил қилиб ёки ташкил қилмаган ҳолда шуғулланиши мумкин. Фуқаро ушбу икки ҳолатда ҳам ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган мулк ҳисобидан жавоб беради.

Хусусий мулк субъекти бўлган фуқаро ёки юридик шахс ўзларига тегишли бўлган мол-мулкдан ҳисса сифатида тижоратчи бўлмаган ташкилотлар (жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, хайрия ва бошқа фондлар)нинг мол-мулкига ўтказишлари мумкин. Бундай ҳисса ўтказилган пайтдан бошлаб тижоратчи бўлмаган ташкилотнинг мулки ҳисобланади. Тижоратчи бўлмаган ташкилот ушбу мулкдан ўз фаолиятида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида фойдаланиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган барча ҳолатлар эркин бозор иқтисодиёти қарор топаётган Ўзбекистонда хусусий мулкчиликнинг ривожланаётганлигини, унинг субъектларига нақадар кенг имкониятларни амалга ошириш учун ҳуқуқий кафолатлар мавжудлигини яққол намоён этмоқда.

Талант МАДУМАРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети
магистри

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ИЗЛАНИШ — МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

АЖДОДЛАРИМИЗ МАҲОРАТИ, ҚАЛБ ҚЎРИ БИЛАН ЯРАТИЛГАН ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРИМИЗНИ САҚЛАШ, ЭЪЗОЗЛАШ, ҚАДРИНИ ЙЎҚОТМАГАН ҲОЛДА АВЛОДЛАРГА ЕТКАЗИШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ.

Қадриятларимиз тикланган мустақиллик йилларида нафақат ҳамюртларимиз, балки жаҳон аҳлини ҳам лол қолдираётган ана шундай обидаларимизни қайта тиклашга, шунинг баробарида янги ана шундай иншоотлар бунёдкорлигига катта эътибор қаратилди. Албатта, тадбиркорлик билан иш юритаётган «Ижод-ижод» хусусий корхонасининг бу борадаги ишлари таҳсинга сазовор.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фаолият бошлаганига ўн йил бўлган ушбу жамоанинг қўли гул усталари мамлакатимиздаги тарихий обидаларни қайта тиклаб-таъмирлашда, шунингдек, қадимий миллий услубда қад ростлаётган иншоотларни безашда, кўркамлигини оширишда ишлатиладиган сопол-керамика маҳсулотларини тайёрлашни йўлга қўйишган. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосида эса корхонада янги йўналишлар бўйича маҳсулот турлари кўпайди, хизмат кўрсатиш сифати ҳам ортди. Бетакрор ва жозибали нақшинкор-ўймакор устунлар, эшик-ромлар, панжара ҳамда бошқа ёғоч маҳсулотларини тайёрлаш ҳам ўзлаштирилдики, бу нафақат тарихий меъморий иншоотлар, балки бугун бунёд этилаётган шарқона услубдаги биноларимиз чиройини ҳам очмоқда.

Кейинги йилларда эса корхонада яна бир янги — чинни буюмлари ишлаб чиқариш цехи ҳам иш бошлади. Цех дизайнерлари яратган 14 турдаги чинни тўпламлари ва идишлари харидоргирлиги билан ажралиб туради. Янги йўналишдаги тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши эса қўшимча ишчи ўринлари яратилишига, ёшларни иш билан таъминлашга, ҳунар сирларини эгаллашларида катта ҳисса бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Корхона тадбиркорлари ҳам бажарган ишлари, ҳам сифатли маҳсулотлари билан республикамиз вилоятларида бир қатор ишларни амалга оширди. Бухородаги «Мачити Калон», «Баҳоуддин Нақшбанд», Самарқанддаги «Имом Ал-Бухорий», «Бибихоним», «Шоҳи Зинда», Сурхондарёдаги «Ҳаким ат-Термизий», «Султон Саодат», Ғиждувондаги «Абдухолиқ Ғиждувоний», Қаршидаги «Кўк гумбаз» ва бошқа тарихий обидаларимиз уларнинг саъй-ҳаракати ва изланишлари боис қайта чирой очган бўлса, кейинги йилларда Самарқандда қад ростлаган «Хотира» майдони, Навоийда бунёд этилган «Мусулмонлар масжиди»нинг кўрки таровати самарали меҳнат маҳсулидир.

— Изланиш бор жойда, албатта янгилик бўлади, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Раҳмонов, — янгилик эса муваффақиятларга гаровдир. Шунинг учун ҳам шу кунларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш мақсадида техника-таъмирлаш устахонаси ишларини яхши йўлга қўйиш, пластмасса қолдиқларини майдалаб, иккиламчи хом ашё тайёрлаш, ундан эса рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш устида катта ишларни бошлаб юборганмиз. Мақсадимиз нафақат юртимиз чиройига, балки иқтисодиёти ривожига ҳам муҳим ҳисса қўшишдир. Бунинг учун эса юртимизда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлар бизга қўл келмоқда, улардан оқилона фойдаланяпмиз. Яна бир эзгу мақсадимиз — келгусида маҳсулотларимиз экспортини йўлга қўйишдир.





Тадбиркор ака-укалар Бахтиёр, Алишер ва Баҳодир Раҳмоновлар ташкил этган хусусий корхонада чиндан ҳам ижодкорлар меҳнат қилишади. Уларнинг маҳоратларини тўла намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, ишчи-хизматчилар бепул тушлик билан таъминланадилар.

Шуниси эътиборга лойиқки, тадбиркорлар саховат ишларида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Улар ўзлари фаолият юритаётган ҳамда истиқомат қиладиган Собир Раҳимов туманидаги «Иброҳим ота» маҳалласидаги кўплаб ишларда ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда. Маҳалла кўчаларига асфальт ётқизишда, чойхона қурилишида, байрам тадбирларини уюштиришда фаоллик кўрсатишди.

— Маҳалламиздаги ободончилик ишларида, кам таъминланган оилаларга ёрдам беришда, ёшларга ишчи ўринлари яратишда «Ижод-ижод» хусусий корхонасининг ўзига хос ҳиссаси бор, — дейди маҳалла оқсоқоли Жаҳонгир Адиев. — Куни кеча қутлуғ байрам — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан улар маҳалламиздаги уруш ва меҳнат фахрийларига катта байрам дастурхони ёзиб совға-саломлар улашишди, кайфиятларини тоғдек кўтаришди. Барака топишсин, орамизда мана шундай тадбиркор ва саховатпеша инсонлар кўпаяверсин.

Чиндан ҳам корхонанинг 10 йиллик тўйи Хотира ва Қадрлаш куни тадбирига уланиб кетди, ҳақиқий қўшалоқ байрам тарзида ўтказилди. Корхонанинг сўлим ҳовлисига ёзилган файзли дастурхон, фахрийларга таъзим, табрик-қутловлар, дилрабо куй-қўшиқларнинг кети узилмади. Ҳа, бу меҳнат шодиёнаси, изланишлар тантанаси, маҳалладошлар билан ҳамжиҳатлик, нуроний отахону онахонларимизга ҳурмат-эҳтиром белгисидир. Ахир элни эъзозласанг, эл сени эъзозлайди, деб бежизга таъкидланмайди.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: байрам тадбиридан лавҳалар; корхонанинг бугунги жамоли; корхона ижодкорларининг Самарқандда бунёд этган «Хотира» майдони.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Иқтисодиёт

БОЗОРБОП МАҲСУЛОТЛАР

«ДУНЁ-ЧАРМ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТАДБИРКОРЛАРИ АЙНИ КУНЛАРДА МАҲСУЛОТНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИБ, УЛАРНИ ХАРИДОРЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЙЎЛИДА СИДҚИДИЛДАН ИЗЛАНИШМОҚДА.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулот турлари қисқа вақт ичида 20 хилдан ортиб, улар орасида харидор дид ва эҳтиёжини қондираётган маҳаллий чарм маҳсулотлари—эркаклар ва аёллар устки кийимлари, турли фасондаги сумка ва эсдалик совғалари сифати ва замонавийлиги билан ажралиб туради. Шунинг баробарида бу ерда мижозлар учун қулай ва зарур хизмат тури ҳам яратилган бўлиб, эски чарм маҳсулотлари таъмирлаб берилади.

— Бозорни ўрганиш асосида маҳсулотларимиз турларини кўпайтириб бораяпмиз, — дейди уста модельер, корхона раҳбари Лола Галька. — Ҳозирда чарм маҳсулотларидан ташқари сифатли шойи матосидан хорижникидан асло қолишмайдиган диван ёпқичлар тўпламини тайёрлаяпмиз. Ушбу маҳсулотларга замонавий ускуна ёрдамида туширган миллий услубда яратилган нақшларимиз харидорларга манзур бўлмоқда. Шунингдек, чеварларимиз томонидан миллий либослар тайёрлашга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Корхонада буюртмачи ва мижозларга алоҳида қулайлик яратилган бўлиб, тайёрланган маҳсулотлар учун кўргазма зали ташкил этилган. Бу ерда улар либосларни танлашлари, ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдиришлари мумкин. Ана шунинг асосида янги моделлар яратилади.

Тадбиркор раҳбар Лола Галька имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда корхона қошида ўқув маркази очишга, ёшларга касб-ҳунар сирларини ўргатишга ҳаракат қилмоқда. Энг асосийси эса ушбу ўқув марказида таҳсил олган хотин-қизларни шу ерда иш билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

Тадбиркорлар келгусида маҳаллий хом ашё — қоракўлдан кийим-кечаклар тайёрлаб, уларни хорижий давлатларга экспорт қилиш ниятида. Шунингдек, россиялик ҳамкорлар билан ишлаш ҳам режаланган.

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

«ИГОТЕКС» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХАРИДОРЛАРИ ҚЎШНИ ҚОЗОҒИСТОН ВА РОССИЯ ДАВЛАТЛАРИДА ҲАМ ОРТИБ БОРМОҚДА.

Шу боис жорий йилда ўтган йилгидан бир неча баробар ортиқ маҳсулот, яъни 250-300 минг АҚШ доллари миқдоридаги кийим-кечакларни экспорт қилиш кўзда тутилган. Бунинг учун эса хорижлик харидорлар талабини ўрганиш, юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, корхонада имкониятлар етарли. Япониядан келтирилган тўқув, тикув, кашта солиш дастгоҳ ва ускуналари тадбиркорларнинг самарали фаолият юритишларида, рақобатбардош трикотаж товарлари тайёрлашларида ниҳоятда қўл келмоқда.

Жорий йилда корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробардан зиёдга ошириш кўзда тутилган. Яъни ўтган йилда 470 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, ушбу рақам жорий йилда 1 миллиард сўмликка етказилади. 95 фоиз маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлаётган жамоада ҳозирда 64 моделдаги катталар ва болалар кийим-кечаклари тайёрланаётган бўлса, йил охиригача улар қаторига яна ўндан ортиқ янги либослар қўшилади. Айниқса, болажонларимиз учун чиройли ва бежирим мавсумий либослар тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратилади.

Шарофат БАҲРОМОВА

Тақдимот

ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

ШАРҚДА АЗАЛ-АЗАЛДАН ОИЛА, АЁЛ, ФАРЗАНД ҚАДРЛАНИБ КЕЛИНГАН. МУСТАҚИЛЛИККА ЮЗ ТУТГАНИМИЗДАН СЎНГ БУ ИНСОНИЙ СИФАТЛАР ЯНАДА ҚАДР ТОПДИ. ЮРТБОШИМИЗ ВА ДАВЛАТИМИЗ ҚАРАТАЁТГАН КАТТА ЭЪТИБОР ТУФАЙЛИ АЁЛЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ МАВҚЕИ ОШДИ, ОИЛАЛАРДА ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК ҲУКМ СУРИБ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА ҚАТОР ЭЗГУ МАҚСАДЛИ ИШЛАРГА ҚЎЛ УРИЛДИ.

2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб номланиши, «Халқаро оила куни»га бағишлаб куни кеча Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Миробод туман ФҲДЁ бўлими биносининг тўла таъмирдан чиқарилиб фойдаланишга топширилиши муносабати билан «Оила — жамиятнинг асосий таянчи» деб номланган катта анжуман бўлиб ўтди.

Юртимизда ҳар бир оила давлат томонидан муҳофаза қилиниб, эъзозланади. Тадбирни кириш сўзи билан очар экан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Козим Комилов, адлия бошқармаси нотариат ва ФҲДЁ бўлими бошлиғи Гулнора Иномжоновалар ибратли, бахтли оилалар сафининг ортишига тилак билдириб, хайрли мақсадлар йўлида ташкил этилаётган бундай тадбирларнинг албатта ижобий самара бериши ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Айтиб ўтиш жоизки, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда барча шарт-шароит яратилиб, замонавий услубда таъмирланиб, жиҳозланган Миробод туман ФҲДЁ бўлими тумандаги фуқаролар билан бир қаторда қатор ташкилот, муассаса ва корхоналарга ҳуқуқий, ижтимоий, тиббий саводхонликни ошириш, оила қонунчилиги, миллий урф-одат ва анъаналаримизни тарғиб қилиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом оила яратиш, етук фарзандлар ўстириш асосларини тушунтириш каби масъулиятли вазифани бажариб келмоқда.

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан қабул қилинган бир қатор қонунларга мувофиқ Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими органлари Адлия бошқармаси тасарруфига ўтказилган. Шу муносабат билан бугун шаҳардаги ҳар бир туман ФҲДЁ бўлимлари ва Никоҳ уйларининг бинолари Адлия бошқармаси томонидан таъмирланиб, ҳозирги замон талабига мос ва хос ҳолда фойдаланишга топширилмоқда. Бу эса албатта ушбу соҳанинг янада юксалиши, фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг юқори даражага кўтарилиб, соҳа ходимларининг ўз ишига бўлган масъулиятини ошириб, сидқидилдан хизмат қилишларига омил бўлади.



Тадбир давомида ибратли, узоқ йиллар бирга умргузаронлик қилиб, жамиятимизга комил инсонларни етказиб бугун, фарзандлари, набираю эваралари даврасида бахтли умр кечираётган пиру бадавлат оилалар, уч эгизакнинг ота-онаси бўлган 4 нафар оила, вояга етмаган 7 нафар болани фарзандликка олиб тарбиялаётган Раҳима Мирзатиллаева, икки нафар олтин тўй соҳибу соҳибаларини тақдирлаш ва ёш келин-куёвнинг никоҳини қайд этиш маросимлари ҳам катта тантана билан ўтказилди.

Ушбу тантанага шоҳид бўлган барча қатнашчилар эл ардоғидаги санъаткор Ғуломжон Ёқубов, «Ором» болалар боғчаси тарбияланувчилари ва «Аладдин» гуруҳлари ижросидаги куй ва қўшиқлардан бир олам таассурот олдилар, шунингдек бахтли, тотув оилалар кўпайишига, юртимиз тинч, хонадонларимиз обод бўлишига тилак билдирдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.
Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

ИШГА МАРҲАМАТ!

Мусоҳаба

АНИҚ РЕЖАЛАР АСОСИДА

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ БАРЧА ТУМАН МЕҲНАТ БЎЛИМЛАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ ДОИМИЙ БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ХОҲИШ-ИСТАГИГА КЎРА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДАН ИБОРАТ. УШБУ ДОЛЗАРБ МАСАЛАНИНГ ЕЧИМИ ХУСУСИДА БИЗ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ ЮНУСОБОД ТУМАНИ МЕҲНАТ БЎЛИМИ РАҲБАРИ НОЗИМА СУЛАЙМОНОВА БИЛАН СУҲБАТЛАШДИК.

— Нозима опа, жамоангизнинг жорий йил бошидан амалга оширган ишлари ҳақида тўхталсангиз

— Меҳнат бўлимимизнинг асосий вазифаси аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашдир. Юртимизда Истиқлол туфайли босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда хусусий секторни ривожлантириш ҳисобига эришилаётган ютуқларда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, жорий йил бошидан туманимизда 1144 та янги иш жойлари яратилган бўлиб, уларнинг 1030 таси хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектлари томонидан ташкил этилгандир.

Жамоамизнинг қатъий режасига асосан туманимиздаги мавжуд 58 та маҳаллаларда истиқомат қилувчи 289минг аҳоли орасида мониторинг ўтказилди. Унга асосан 1 апрель ҳолатига кўра 4115 нафар банд бўлмаган фуқаролар аниқланди, улардан 2400 нафарини аёллар ташкил қилади. Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат бўлимимизга иш сўраб мурожаат қилувчи фуқаролар орасида айниқса, ёшлар кўпчиликдан иборат. Йил бошидан буён бизга иш сўраб 543 нафар фуқаролар келган бўлса, улардан 447 нафари хоҳиши, қизиқиши ҳамда касбига кўра иш билан таъминланди. Жорий йил бошидан 115 та корхоналар 1644 та бўш иш жойларини тавсия этишган.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Президентимизнинг ўтган йили эълон қилинган иқтисодиётимизни ривожлантиришга қаратилган қатор Фармон ҳамда Қарорлари, жумладан жорий йил бошидаги «Йирик саноат корхоналари билан кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони жуда долзарб ҳисобланган аҳоли бандлиги ҳамда даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Январь ойида ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Юнусобод туман ҳокимлиги ҳамда меҳнат бўлими жамоаси ҳамкорлигида «Янгиобод» ва «Аҳилобод» маҳаллалари аҳолиси учун «Бўш иш ўринлари ҳамда ваканат лавозимлар» меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Мазкур ярмаркада иштирок этган 50 нафар аҳолидан иш сўраб мурожаат этган 30 нафар фуқароларга ишга йўлланмалар берилди. Жумладан, туманимиздаги йирик саноат корхоналари — «Ўзбекқишлоқмаш», «Асбобсоз» очиқ акциядорлик жамиятлари, «Моҳиронануроний» шўъба корхоналарига касаначиликка 64 нафар фуқаролар ишга жойлаштирилди. Шу кунларда ушбу масала юзасидан бир нечта корхоналар билан лойиҳалар устида иш олиб бормоқдамиз...

— Туман аҳолисининг ижтимоий ҳимоясига эътибор қандай?

— Албатта, жамоамиз аҳли аҳолини ижтимоий муҳофазалаш ишига жиддий қарайди. Масалан, жорий йил бошидан бизга мурожаат қилган 90 нафар фуқароларга ишсизлик мақоми берилди, 8 нафар фуқаролар муддатидан аввал нафақага чиқарилди. Шунингдек, 81 нафар фуқароларга ишсизлик нафақаси тайинланди. Бундан ташқари, туманимизда истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли — кам таъминланган,кўп болали оилалар, ногиронлар, жумладан 2 ёшгача ҳамда 18 ёшгача нафақа олувчиларга моддий ёрдам кўрсатилади. Бизда фаолият юритаётган корхоналарда меҳнат бозорида тенгма-тенг рақобатга киришолмайдиган фуқаролар учун квотали иш жойлари ҳам яратилган.



— Нозима опа, келгусига белгиланган режалар хусусида ҳам гапириб берсангиз.

— Йил охиригача биз иш самарадорлигини ошириш мақсадида яна 7 марта меҳнат ярмаркаларини ташкиллаштириб, уни уюшқоқлик билан ўтказишни режалаганмиз. Масалан, келгуси ойда ўтказилиши мўлжалланган ярмаркамиз битирувчи ёшларга бағишланиб, у туман миқёсида ташкил этилади. Асосий ишимиз нафақат битирувчиларни аниқлаб, рўйхатга олишдан, балки ёшларга ҳуқуқ ва имкониятлари ҳақида батафсил тушунтиришдан ҳам иборат.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Шарқ дурдоналари

ЎЗ-ЎЗИ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Дўстлар билан меҳмонда ейилган таом лаззатли бўлади. Аждодларимиз дастурхонга биратўла барча неъматлардан келтириб қўйишни одат қилганлар. Бунинг сабаби шуки, ҳар ким ўзига ёққан нарсадан ейди. Хабарлардан маълум бўлишича, киши эрталаб бирор нарса емаса касалга чалинади. Эрталаб чой ичилмаса, бош оғришининг сабаби ҳам шу.

«ФАВОКИҲ ал-жуласо»

Бир улуғ кишини меҳмонга айтганларида «Таклифингни уч шарт билан қабул қиламан! Биринчиси шуки, бозордан атайлаб сотиб олмайсан. Иккинчиси шуки, уйингда борини атайлаб яширмайсан олдимга қўясан. Учинчиси шуки, аёл ва болаларингнинг ҳақини менга едирмайсан» — дер эди.

Бировким сенга бўлса гар меҳмон,
Ишинг бормидур—меҳмон кўнгли қон.
ХИРОМИЙ

Бир кишининг уйига бир нечта меҳмон келган эди. Мезбон уларни яхшилаб меҳмон қилди. Овқат еб, чой ичиб бўлдилар. Улар яна узоқ ўтиришди ва туришни ҳали ҳаёлларига ҳам келтиришмасди. Уй эгасининг меҳмонларга рухсат бергиси келар, аммо бекорчи меҳмонлар ҳеч қўзғолмас эдилар. Мезбон: «Энди сизларга рухсат» дейишга ҳеч ботина олмасди. Улар тушунишармикан деб, либосини ечиб, оёқларини узатиб ўтирди. Меҳмонлар шунда ҳам кетиш ҳақида оғиз очишмади. Шунда у эшигини очди, ичкари ҳовлига қараб, ўз хотини билан гаплашаётган киши бўлиб: «Ҳозир-ҳозир туришяпти!» деди.

«ФАВОКИҲ ал-жуласо»

Бир куни бир азиз кишининг уйига бир қоп қовун олиб келишди. Меҳмонлар қовундан бириккитасини сўйиб едилар. Азиз киши бетоқат бўлиб, қолган қовунларни ичкарига киргизишни буюрди. Ўтирганларнинг ичида бир зукко табиатли киши бўлиб, у ҳам ўрнидан тура бошлади.

— Сен қаёққа? —деб сўрашди ундан.

— Ичкарига болалар билан қовун ейишга!—деб жавоб берди у.

Маҳмуд ибн МУҲАММАД

Ётни эзгу тутса, эр кўзи ёришади.
Мусофирни эзгу тутса, овозаси ёришади.
Юсуф Хос ҲОЖИБ

Икки нафарнинг овқати уч нафарга етади.
Яхши одамнинг меҳмони кўп бўлади.
«ОТАЛАР сўзи»

Муғийра ибн Абдуллоҳ ас-Сақафийнинг дастурхонига эчки боласининг пиширилган гўшти қўйилган эди. Унинг ёнида бир араб меҳмон бўлиб, у эчки гўштини шиддат билан ейишга киришиб кетди. Буни кўрган Муғийра:

— Уни ғазаб билан ейишингга қараганда онаси сени бирор марта сузганга ўхшайди!—дейди.

Араб ҳам унга:

— Сен меҳрибонлик қилиб, емай ўтиришингга қараганда, унинг онаси сени эмизганга ўхшайди!—деб жавоб берибди.

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Бир ёш бола катталар билан меҳмонда бир товоқдан овқат ер эди. Овқат иссиқ бўлиб, боланинг қўли куйиб ея олмади. Сўнг йиғлашга тушди.

— Нега йиғлаяпсан?—сўради ундан.

— Овқат иссиқ экан, ея олмаяпман,—деди бола.

— Бўлмаса бироз сабр қил, совийди,—дейишди унга.

— Сабр қилишга-ку қиламан-а, аммо сизлар тўхтаб турмайсизлар-да! деди бола.

«ФАВОКИҲ ал-жуласо»

Меҳмон риоя қилиши лозим бўлган одоблардан яна бири шуки, меҳмон мезбонга иш буюрмасин. Чунки буюрган ишини бажариш мезбон учун оғир бўлиши мумкин. Агар меҳмон қандай овқат қилиб бериши ҳақида сўраса, енгил овқатни танласин. Улуғ кишилар доимо шундай қилишган.

Маҳмуд ибн МУҲАММАД

Меҳмонли уй — баракали уй.
Меҳмонсиз уй — суви қуриган
тегирмонга ўхшайди.
«ОТАЛАР сўзи»

Меҳмондўст бўлмаган одамдан яхшилик кутилмайди.
ХАДИС

Меҳмон келса ўтқазгил,
Ҳордиқ олиб тинч бўлсин.
Оти ҳам ёруғликда
Арпа, сомонга тўйсин.
Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

САБР, ЧИДАМ, ҚАНОАТ,
УМИД БАЁНИДА

Сабр қилсанг агар, сабрдан бешак,
Давлатинг кўпаяр бунга қилма шак.
Сабрингни қилмасанг суст ила маҳол,
Оҳиста ёр бўлар бахт ила иқбол!
Сабрни ўзингга айла-ю шиор,
Ва сабр йўлида тургин барқарор!
Низомий ГАНЖАВИЙ

Сабрнинг аввали аччиқ, охири эса ширин!
Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Билгилки, сабрда хосият ва манфаат кўп. Сабр шундайки, мусибат ва бало айёмида дод-фарёд қилинмайди, қовоқ солинмайди, юз ўзгартирилмайди. Унинг яна бир кўриниши шундайки, одамлар орасида бечоралиқдан шикоят қилинмайди, тоқат ва чидам қўлини тутади.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Сабр ила барча эшикдур кушод,
Сабр ила эранлар топди мурод.
ГУЛХАНИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

Ёшлар— келажагимиз

ЕТАРЛИ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛАДИ

СОҒЛОМ, БИЛИМЛИ, ҚИЗИҚУВЧАН, КАСБ-ҲУНАРЛИ ЁШЛАРИМИЗ ЮРТ ТАЯНЧИ, ЭРТАМИЗ ДАВОМЧИЛАРИ. УЛАРНИНГ ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ, МАЪНАВИЙ ЕТУК БЎЛИБ ЎСИШЛАРИ УЧУН ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА САМАРАЛИ САЪЙ ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. СОБИР РАҲИМОВ ЕНГИЛ САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИДА ҲАМ БУ БОРАДА ИБРАТЛИ ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА.

Куни кеча таълим масканида «Очиқ эшиклар куни» тадбири ўтказилди ҳамда ўқувчиларнинг «Либослар намойиши» кўргазмали чиқишлари Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур ҳамда Учтепа туманларининг, жами 24 та мактабларнинг ўқитувчилари, битирувчиларига намойиш этилди. Жумладан, туман ҳокимлигидан вакиллар, маҳаллалар оқсоқоллари ҳам ушбу тадбирда иштирок этишди.

—Анъанавий тарзда ўтказиладиган «Очиқ эшиклар куни» тадбиридан кўзланган асосий мақсад, —дейди коллеж директори Малоҳат Исматуллаева, — ўқувчиларимизнинг ижодий ишларини намойиш этиш билан бирга, битирувчиларни таълим масканига ўқишга жалб қилиш. Қизларимиз учун севимли, ҳаёт йўлларида керакли бўлган касб-ҳунарларни ўргатиш баробарида, ўрта таълим дастуридан ҳам сабоқ берилади. Фарзандларимиз, хусусан, қизларимизни азалий қадриятларимизга асосан гўзал хулқли, одоб-ахлоқли, билимли ва албатта, бирон касб-ҳунар эгаси қилиб тарбиялаш бугун ҳам ўз қадрини йўқотмаганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ҳар бир босқич ўқувчилари алоҳида-алоҳида ташкил этган кўргазмаларни қизларимизнинг навбатдаги ҳисоботи ҳам дейиш мумкин. Қувонарлиси, битирувчиларимизнинг деярли юз фоизи иш билан таъминланмоқда.

2004 йилда коллеж мақомини олган таълим масканида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошира бориб бугунги кунда 360 нафар қизлар учта йўналишда таҳсил олмоқдалар. Улар малакали, ўз соҳасининг билимдонлари бўлган ўқитувчилардан олган сабоқларини амалиётда мустаҳкамлаб, тажрибали ишлаб чиқариш усталаридан мутахассисликлари сир-синоатларини қунт билан ўрганмоқдалар. Тикувчилик ишлаб чиқариши, модельер-дизайнчи, бухгалтер-ҳисобчи мутахассисликларига ўқувчиларни пухта тайёрлаш учун коллежда барча шарт-шароитлар етарли. Махсус жиҳозланган фан, компьютер хоналари, устахоналар, бой кутубхона, спорт зали, ошхона ёшлар ихтиёрида.

«Маънавият ва маърифат» хонаси, кўргазмалар зали ҳамда тўгарак хоналари ёшлар билан доимо гавжум. Эътиборлиси, тўгаракларда қизлар бўш вақтларини мазмунли ўтказади, асрлар мобайнида эъзозланиб келинаётган ҳунармандчилигимиз—зардўзлик, каштачилик, бисер тикиш, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш кабиларга ўргатилади. Шунингдек, компьютер сабоқларидан ташкил этилган тўгаракда ҳам ўқувчилар замонавий техник воситалардан фойдаланишни мукаммал ўрганмоқдалар. Спорт тўгаракларига ёшлар мунтазам қатнашмоқдалар.

Шоҳида Камолова, Ҳалима Қурбонова, Латофат Ғуломова, Гулнора Ҳайдарова, Фарида Умарова, Гулшан Шамсиевалар ёшларнинг севимли устозларидир.

Юртимизнинг енгил саноати учун малакали мутахассис бўлиб етишишни эзгу мақсад қилган ёшлар орасида нафақат шаҳар, балки республикамиз миқёсида анъанавий тарзда ўтказиладиган кўрик-танловларда совринли ўринларни эгаллаганлар ҳам анчагина. Масалан, ўтган 2005 йилда тикувчилик кўрик-танловининг шаҳар босқичида коллежнинг ўқувчиси Гулнора Мирзаева 1-ўрин соҳиби бўлди. Ундан аввалроқ эса Манзура Тошматова республика миқёсидаги танловда 2-ўринни эгаллаганди. Мазкур кўрикларда мана 7-8 йиллардан буён коллеж ёшлари пешқадамликни қўлдан бермай келмоқдалар.

Коллеж жамоаси йиллар давомида ўзаро манфаатли шартномалар асосида Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти педагоглари билан ҳамкорлик қилмоқда. Ўқишни давом эттириш учун кўплаб коллеж битирувчилари ушбу институтга кириб, таҳсил олмоқдалар. Ҳозирги кунда ҳам таълим масканида 150 нафар битирувчилар аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда таълим олмоқдалар, келгуси режаларни белгилашмоқда.

Эътиборлиси, 2007-2008 ўқув йилларида коллежни кенг миқёсда реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган. Мўлжалдаги ишлар бажарилгач, ўқувчиларга билим олишлари ҳамда ўзлари хоҳлаган ҳунарлари бўйича малакали мутахассислар бўлиб етишишлари йўлида бекаму кўст шароит, етарли имкониятлар яратилади.

Коллеж ўқувчиларининг малакали мутахассислар бўлиб етишишларида амалий машғулотларнинг аҳамияти катта.

Муқаддас АБДУРАСУЛОВА

СУРАТДА: ёшлар замонавий дастгоҳ ва ускуналарни бошқариш жараёнида.



Дил сўзлари

● **Манзура ҲАКИМОВА, Собир Раҳимов тумани:**

— Юртбошимиз раҳнамолигида биз каби уй бекалари учун имкониятлар эшиги кенг очилди, яъни, касаначиликни ривожлантириш ҳақидаги Фармон чиққач, туманимиз меҳнат бўлими ходимлари ёрдамида «Шарқ модель» қўшма корхонасига ишга кирдим. Айтиш керакки, касаначи сифатида корхонада иш стажим ҳисобланади, шунингдек, пенсия ҳамда ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинланади.

Қувонарлиси, хом ашё, керакли маҳсулотларни уйимизга келтириб беришади, тайёрини олиб кетишади. Ишимга фарзанд тарбияси билан машғул келиним ҳамда талаба қизим яқиндан кўмаклашишмоқда. Вақтимни ўзим режалайман. Аёл сифатида айтишим мумкинки, катта рўзғор бекаси учун бунинг қулай тарафлари талайгина. Буюртмаларни икки баравар тез бажаряпмиз. Уй шароитида ишлаш ҳамда оила бюджетига салмоқли ҳисса қўшиш учун яратилган бундай шароит бизни жуда мамнун қилмоқда.

Маҳалламиз мисолида шуни айтмоқчиманки, кўпгина ҳунарли аёллар ҳам эндиликда фақатгина уй бекалари бўлиб қолмай, иш билан таъминланишди. Оила фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш билан бирга, фарзандлари ҳам доимий назоратда бўлиши ҳар бир аёл учун ўта муҳим, албатта.

Туманимиз ҳокимлиги ҳамда туман меҳнат бўлими ҳамкорлигида касаначиликни ривожлантириш хусусида бир нечта йиғилишлар ўтказилиб, банд бўлмаган аҳоли таклиф этилди ҳамда тушунтириш ишлари олиб борилди, соҳа мутахассислари эса малакали маслаҳатлар беришди. Албатта оила фаровонлиги йўлида фуқароларнинг иш билан таъминланиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис давлатимиз томонидан иқтисодиётни ривожлантириш учун босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлади. Бу эса эртанги кунимизга ишонч туғдиради.

Сўранг, жавоб берамиз

ЎЗ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МУМКИНМИ?

МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ИШЛОВЧИ ХОДИМЛАРНИНГ МЕҲНАТЛАРИНИ ҲАҚҚОНИЙ БАҲОЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА КОРХОНАНИНГ АЛОҲИДА ЎЗ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШИ МУМКИНМИ?

Жамшид ВАҲОБОВ, тадбиркор, Ҳамза тумани.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 153-моддасига биноан меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди. Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек, иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ҳужжатларда белгиланади.

Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек, давлат корхоналарининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг энг кам даражаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Кўриниб турибдики, нодавлат мулк шаклига мансуб корхона ва ташкилотларга меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва тизимини танлашда мустақиллик берилган.

МУДДАТЛАРИ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНГАН?

МЕН ХУСУСИЙ КОРХОНАДА ХИЗМАТЧИ БЎЛИБ ИШЛАЙМАН. ҲУҚУҚЛАРИМ ҲАМДА ЭРКИНЛИКЛАРИМ БУЗИЛГАНЛИГИДАН ХАБАР ТОПДИМ. ШУ БОИС СУДГА ДАЪВО АРИЗАСИ ЁКИ ШИКОЯТ БИЛАН МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИШИНГИЗНИ СЎРАЙМАН.

Соат БЕКМАТОВ, Учтепа тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 126-131-моддалари ва «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига биноан судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

— фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кундан бошлаб уч ой;

— фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб бир ой.

Сўранг, жавоб берамиз

МЕЪЁРНИ БИЛИШ КЕРАК

Ҳозирги вақтда дўконларда хилма-хил сақичлар тўлиб ётибди. Устига-устак тез-тез такрорланадиган телерадио рекламаларда ҳам улар ҳақида тинмай гапиришади. Турли хил мевалар мазаси ва ҳиди билан тайёрланган сақичлар аслида кимёнинг ўзи-ку. Уларнинг саломатликка зарари йўқми? Ҳар ким бу ҳақда ҳар хил фикр билдиради...

А.Абдувосиқов,
Чилонзор тумани.

Тиббиёт фанлари номзоди Муҳаммаджон Миршарипов бу масалада шундай мушоҳада юритади:

1-2 дона сақич чайналганда ҳеч қандай зиён кўрилмайди. Айниқса овқатдан кейин уни чайнаш ҳатто фойдали ҳам. Чунки бу ҳаракат бир вақтнинг ўзида ҳам тишни тозалайди, ҳам овқатни ҳазм қилувчи сўлак ажралиб чиқишига ёрдам беради.

Таъм берувчи қўшимчаларга келсак, уларнинг ҳар бири Ўзбекистон Республикаси давлат санитария врачи томонидан тасдиқланган ҳужжат асосида синчиклаб текширишдан ўтади. Албатта, баъзи кишиларда шундай қўшимчаларга, масалан, қулупнай ёки цитрус мевалари таъмига нисбатан аллергик реакция бўлиши мумкин. Бу ноқулай экологик вазият туфайли рўй беради.

Хулоса шуки, ҳар бир нарсада бўлганидек, сақич чайнашда ҳам меъёрга риоя этилса — ҳеч нарсадан хавотирланмаса бўлади.

МАМЛАКАТ БАҲОСИ ҚАНЧА ТУРАДИ?

Хориж газеталаридан бирида қўшни мамлакатлардан бирининг қиймати эълон қилинганини ўқиб қолдим. Бутун бир мамлакат баҳосини шундай ўлчаб бўладими?

Ихтиёр Жумаев,
Учтепа тумани.

Ҳақиқатан ҳам Россия Фанлар академияси академиги, иқтисод фанлари доктори Дмитрий Львовнинг гувоҳлик беришича, шундай ҳисоб-китоб қилиш имкони бор.

— Мамлакат қиймати,— дейди у,— уч кўрсаткич – инсон омили (ишчи кучлари), ишлаб чиқариш воситалари ва табиий бойликлар (ўрмонлар, нефть) асосида аҳоли жон бошига ҳисоб қилинади. Улар йиғиндиси бўйича 2000 йил бошларига Россия «қиймати» 340-380 триллион долларга тенг бўлган...

Бу кўрсаткич АҚШ ва Канаданинг биргаликдаги баҳосидан икки марта, Ғарбий Европа мамлакатларидан 1,7 марта ва Яқин Шарқ мамлакатлари жамул-жами қийматидан 2,7 баробар кўп демакдир.

«МУТАНТЛАР» БЕЛГИСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишда генетик модификациялаштирилган (генетик ҳолати ўзгартирилган) маҳсулотларни оддийларидан қандай фарқлаш мумкин?

К.Эшжонов, Собир Раҳимов тумани.

Амалдаги қонунчиликка асосан, агар маҳсулот таркибида 5 фоиздан ортиқ генетик модификациялашган модда бўлса, у жойлаштирилган қути ёки ўралган қоғозда шу ҳақдаги ахборот қайд этилиши керак. Одатда улар «Таркибида ГМ компонентлари бор», «Таркибида ГМИ бор» қабилида ифодаланади.

ГМ-компонентлар мавжудлиги ҳақидаги ахборотлар бошқа шаклларда берилиши ҳам мумкин. Ҳамиша маҳсулотнинг таркибига эътибор қилинг. Агар рўйхатда ингредиент (мураккаб таркибга бирон модда, масалан кетчупдаги крахмал) «модификациялашган» қўшимчаси билан кўрсатилган бўлса – демак, бу ерда ирсият муҳандислиги аралашгани маълум бўлади.

Агар маҳсулот ишлаб чиқарувчи 5 фоизлик чегарадан ўтиб кетмаган бўлса, бу ҳолда у ГМ-компонентлари мавжудлиги ҳақида маълумот бериши шарт эмас.

ШУНДАЙ АКУЛАЛАР МАВЖУДМИ?

Яқинда «Жағ» фильмини томоша қилгандим. Шундай одамхўр улкан акулалар фақат Голливуддагина бўлиши мумкиндир, деган ўйга бордим. Ахир бир акула шунча одамни нобуд қилиши мумкин эмас-ку?

С.Усмонқулов, Бектемир тумани.


Океанолог олимларнинг билдиришларича, бундай баҳайбат махлуқ – акулаларни ҳаётда ҳам учратиш мумкин экан. Ўтган йил кузларида Мальта қирғоқларида узунлиги 7 метр, оғирлиги 3 тонна бўлган оқ акула балиқчилар тўрига илинган. Шу каби ҳозиргача сақланиб қолган улкан жониворлар асосан фақат океанларда учрайди.

Бирмунча вақт муқаддам Тасмания сув ҳавзасида ўлган кальмар жасади топилган. Унинг узунлиги 18 метр, оғирлиги 250 килограмм бўлган. Чучук сувда яшовчи Густав лақабли тимсоҳ Бурундидаги Танганьика кўлида яшайди. У 60 ёшигача ўз қавмдошларидан икки баравар каттароқ ҳажмга ўсиб кетган ва бўйи 7 метрга етган. Маҳаллий афсоналарга кўра, у умри давомида 300 одам ва бир каттакон бегемот умрига зомин бўлган...

Ёзги таътил — 2006

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

АЙНИ КУНЛАРДА ЎЛКАМИЗДА НАФАҚАТ БИЗ КАТТАЛАР, АЙНИҚСА БОЛАЖОНЛАР ОРЗИҚИБ КУТАДИГАН ЁЗ ФАСЛИ БОШЛАНИШИГА ҲАМ ЖУДА ОЗ КУНЛАР ҚОЛДИ.





Ёзги таътил вақтида сўлим, баҳаво ҳудудларда жойлашган оромгоҳларда мазза қилиб дам олишни қайси болажон хоҳламайди дейсиз. Умид гулғунчаларимиз бўлган ёшларнинг мароқли дам олишлари учун эса бугун барча мутасадди ташкилотлар тегишли вазифа ва топшириқларни бажариб ёзги мавсумга катта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Хусусан, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ҳам ёзги таътил мавсумининг мароқли ўтиши учун алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ўтган йили ушбу компания тасарруфидаги «Фазогир Гагарин» номли ёзги соғломлаштириш маскани мавсумни муваффақиятли якунлаб, шаҳарда биринчи ўринни эгаллаб, диплом билан тақдирланган эди. Вақтни ғанимат билган мутасаддилар бугун ушбу оромгоҳни янги мавсумга тайёрлаш ишларини қизғин олиб бормоқдалар. Жумладан, оромгоҳни таъмирлаш, ободонлаштириш юмушлари ниҳоясига етказилмоқда. Йигирма нафардан зиёд малакали қурувчилар бу ишларда ўз маҳоратларини кўрсатмоқдалар.

Ҳадемай мактабларда сўнгги қўнғироқлар жаранглаб, оромгоҳлар қўйнига шўнғишга шай болажонлар учун таътил кунлари бошланади. Уларнинг кўнгилдагидек дам олишлари учун оромгоҳларда барча зарур шарт-шароитлар яратилиб, мавсумга шай қилиб қўйилмоқда.

Дилноза МУСЛИМОВА





СУРАТЛАРДА: «Фазогир Гагарин» оромгоҳида олиб борилаётган таъмирлаш, ободонлаштириш ишларидан лавҳалар

ЯҚИНДА МУҲТАШАМ «ЎЗБЕКИСТОН» СПОРТ МАЖМУИДА ТАЭКВАНДОНИНГ ОЛИМПИЯ ОИЛАСИГА КИРУВЧИ ВТФ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАЭКВАНДО ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИ КУБОГИ УЧУН III МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ БЎЛИБ ЎТДИ. КЕСКИН ВА ҚИЗИҚАРЛИ ЖАНГЛАРГА БОЙ КЕЧГАН МАЗКУР ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ЎЗБЕКИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ТУРКМАНИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН, ЖАНУБИЙ КОРЕЯ, ЯПОНИЯ, РОССИЯ ДАВЛАТЛАРИДАН 150 НАФАРГА ЯҚИН ТАЭКВАНДОЧИЛАР ИШТИРОК ЭТИШДИ.



Таэквандо

УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА ҒОЛИБ ЧИҚИШДИ

Ушбу халқаро мусобақада қатнашган барча терма жамоалар Қатар пойтахти Доха шаҳрида бўладиган Осиё ўйинларига яхши ҳозирлик кўришни, таркибларидаги таэквандочиларнинг маҳоратини яна бир бор синовдан ўтказишни мақсад қилишганди.

Эркаклар ва аёллар 8 та вазн тоифасида гиламга чиқишди ва умумжамоа ҳисобида ҳар иккала гуруҳда ҳам мамлакатимиз спортчилари энг кўп медалларни қўлга киритишди. Иккинчи ўринни Тожикистон эгаллаган бўлса, қозоғистонлик таэквандочиларга учинчи ўрин насиб этди. Жанубий Корея, Япония ва россиялик таэквандочилар ҳам турнирда муваффақиятли иштирок этишди.

Барча ғолиб ва совриндорларга олтин, кумуш ва бронза медаллари, дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди. Энг чиройли ва яхши жангларни намойиш этган таэквандочилар махсус кубоклар билан ҳам тақдирланди.

Биз Маказий Осиё таэквандо иттифоқи президенти жаноб Ли Чонг Гилдан чемпионат ҳақидаги фикрларини сўрадик.

— Бизнинг Марказий Осиё очиқ чемпионатини Тошкентда ўтказиш ҳақидаги таклифимизга розилик берган ва уни юқори савияда ўтишига қўшган ҳукуматингизга, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати Республика маркази ҳамда Ўзбекистон Таэквандо ВТФ ассоциациясига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Биргина ўтган йил Қозоғистонда бўлган II Марказий Осиё чемпионати билан солиштирсак ҳам, Тошкентдаги турнирнинг жуда яхши ташкил этилганлигининг гувоҳи бўлдик.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: турнирдан лавҳа

Спорт

ҲАМЮРТИМИЗ — ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБАСИ

РОССИЯНИНГ ВЛАДИМИР ШАҲРИДА БАДИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН «БИЛЛУР ЮЛДУЗЧАЛАР — 2006» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ МАМЛАКАТИМИЗДА СПОРТНИНГ НАФИС ТУРИГА ЁШЛАР ОРАСИДА ҚИЗИҚИШ ОРТИБ БОРАЁТГАНЛИГИНИ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАДИ.

Гап шундаки, саккиз мамлакатнинг 200 нафар ёш спортчилари иштирок этган ушбу нуфузли турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Жамила Раҳматова муваффақият қозонди. Бадиий гимнастиканинг кўпкураш баҳсида финляндиялик Юлия Хутаненни ортда қолдириб мутахассислару мухлислар эътиборини қозонган Жамила олтин медалга сазовор бўлди.

МИРЖАЛОЛ БОШ МУРАББИЙ БЎЛАДИМИ?

МУБОРАКНИНГ «МАШЪАЛ» ФУТБОЛ КЛУБИ РАҲБАРИЯТИ ҚАРОРИГА КЎРА БОШ МУРАББИЙ ВИКТОР ЖАЛИЛОВ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ.

Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсида Ироқнинг «Ал-Минъаа» жамоаси билан ўз майдонида куч синашган «Машъал» жамоаси ғалаба қозона олмай 2:2 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этгани ҳамда миллий чемпионат баҳсида «Нефтчи»га 0:1 ҳисобида мағлубиятга учрагани туфайли Виктор Жалилов истеъфога чиқарилди.

Қизиғи шундаки, клуб раҳбарияти томонидан бош мураббийликка уч нафар мутахассис номзод сифатида қўйилди. Виктор Жалилов билан бирга фаолият юритган Амет Мемет, Баҳром Давлатов билан бирга футболимиз юлдузи Миржалол Қосимов ҳам бош мураббийликка тайинланиши мумкин.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Самбо

ШАҲАР ЧЕМПИОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ «ДИНАМО» ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СПОРТ ЖАМИЯТИ СПОРТ ЗАЛИДА САМБО БЎЙИЧА 1990-1991 ЙИЛЛАРДА ТУҒИЛГАН ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ШАҲАР ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Турнирда пойтахтдаги «Қорасув», «ТТЗ», «Ёшлик», «Динамо» жамоалари вакиллари 12 та вазн бўйича ўзаро куч синашишди.

Албатта, чемпионатни кузатган мухлису мутахассислар ёш спортчиларнинг қизиққонлик ва шиддат ила ғалаба сари интилишларининг гувоҳи бўлишди. Турнир давомида иқтидорли ўсмирлар томонидан рақибни елкасидан ошириб отиш, рақиби оёғидан олиб, оғритувчи усулни қўллаш, «тегирмон» каби кўплаб қизиқарли усуллар қўлланди.

Шундай қилиб ҳал қилувчи финал баҳсларидан сўнг қуйидаги ёшлар ўз вазн тоифаларида ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди: 40 килограммгача вазн Н.Зуфаров, 42 килограммлилар ўртасида М.Абдуллаев, 45 килограммгача самбочилар баҳсида Т.Исоқов, 48 килограммлилар ўртасида К.Кладиночовлар маҳоратига мухлислар тан беришди.

Қолган вазн тоифаларида эса шаҳар чемпионлигига эришиш бахти Т.Абдуқодиров, К.Йўлдошев, Б.Эргашбеков, Б.Кенжаев, А.Исмоилов, Ж.Тельманий, Ш.Қўчқоров, Ф.Аҳмадиевларга насиб этди.

Чемпионатнинг барча ғолиб ва совриндорлари медаллар, дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: турнирдан лавҳа. Алексей Попов олган сурат

Анжуманлар

ИЖОДКОР ЎҚУВЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

ШАҲРИМИЗДАГИ 273-МАКТАБДА ИЖОДКОР ЎҚУВЧИЛАР АНЖУМАНИНИНГ ТУМАН БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ. ҲАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ 30 НАФАРДАН ОРТИҚ ЎҚУВЧИНИНГ ИЖОД НАМУНАЛАРИ БИЛАН ТАНИШИБ ЧИҚДИЛАР.

98-мактаб ўқувчиси Гулбаҳор Жумаеванинг «Сароймулкхоним ва Улуғбек мулоқоти», «Аччиқ фарёд», «Усмон Носир» ва «Муштипар она» драматик асарлари асосида тайёрланган, «Истеъдод» тўгараги ижро этган саҳна кўринишлари анжуман иштирокчилари ва ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

—Бугунги анжуманда тинглаган шеърларимиздан маълум бўляптики, ижодни энди бошлаган ўқувчилар қаторида иқтидорли, истеъдодли ёш ўқувчилар бор, — дейди ҳайъат раиси Санобар Фахриддинова. —Ҳар бир шеърда фикр, хулоса, айни дамда қофия, шеърий санъатлар бўлсагина, у бадиий асар даражасига кўтарила олади.

Анжуман иштирокчиларидан Севинч Норқулова (17-мактаб), Нодира Мажидова (70-мактаб), Мактуба Тошпўлатова (258-мактаб), Настя Кокаладзе (260-мактаб)нинг ижод намуналари 1-ўринга лойиқ деб топилди ва улар танловнинг шаҳар босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи

Мунажжим башорати

ФАОЛ ВА БИРЛАШТИРУВЧИ КУН

18 МАЙ, ПАЙШАНБА

БУГУНГИ КУН ВАЗИЯТИ КЕЧАГИ КУН ЎЗГАРИШЛАРИ, ТАШАББУСЛАРИНИНГ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ДАВОМИНИ БИЛДИРАДИ. МУНАЖЖИМЛАР БУГУНГИ КУНГА ШУНДАЙ ТАВСИФ БЕРИШГАН. ФАОЛИЯТНИНГ БИРОН ТУРИГА ҚАРШИ ҲЕЧ ҚАНДАЙ ТЎСҚИНЛИК ЙЎҚ. ҚОЛИПЛАРДАН ХОЛИ, ДАДИЛ ҚАРОРЛАР, ЖОРИЙ ЭТИЛАДИГАН ЯНГИЛИКЛАР, ЯНГИ ТЕХНИК ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНАДИГАН КУН.

Яшаш учун курашиш заруратидан эмас, балки фидойилик ичидан, юракдан келиб чиқадиган янада кўпроқ ижодкорлик руҳи учун бутун куч-идрокни жамлаш керак бўлади. Бугун жамоага бирлашиб ишлаш, қатъий ҳаракатлар қилиш самарали бўлади.

Бугун ёлғиз қолиш ёки танҳо ишлаш тавсия этилмайди. Бошқаларнинг маслаҳатларига қулоқ тутинг, ўзгалар кўмагидан юз ўгирманг. Спорт билан, йога, жисмоний машқлар билан шуғулланиш, чиниқиш, совуқ сувда чўмилиш фойдали. Ҳеч бўлмаса, бир неча соатлик вақтингизни табиат қўйнида ўтказиб, шамол ва қуёш тафтидан баҳра олсангиз айни муддао бўлади.

Мабодо, бугун соатингиз ёки рўзғор асбобларингиз бузилиб қолса, шунингдек, шамол дастидан дераза-нгиз очилиб кетса – бу сиз хатоларга йўл қўяётганингиз белгиси. Ялтироқ буюм топиб олсангиз – омад ва хурсандчиликларга ишора. Агар тепангизда тўсатдан чироқ ёниб кетса – бу ҳам омад аломати. Бирон кишидан хабар ёки хат олсангиз, бу бир-бирингизга тақдирнинг ром қилиши бўлиб, сиз у билан узоқ вақт ҳамкорлик қиласиз.

Бу кеча кўрилган тушларга унчалик эътибор қилишнинг ҳожати йўқ.

Жигар ва қонни бугун тозалаш фойдали. Овқат сифатини назорат қилиб, зинҳор бўкиб таом еманг. Қулупнай, гилос ва цитрус мевалари бугунги куннинг энг яхши емишлари ҳисобланади. Донорлик ва қон қуйиш бугунча ман этилади.

Кўк ва қизил рангли кийимлар бугунги кунингизни безайди. Қора, яшил ва ҳаворанг либосларингизни бошқа кунларга асраб қўйинг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ 28 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТДА ИЛК БОР
«ИНТЕР-ЦИРК» ТОМОШАЛАРИ
ФАҚАТ 20 КУН
«ИНТЕР-ЦИРК» ДАСТУРИДАН

Россия, Хитой, Қирғизистон, Украина, Молдова, Мўғулистон, Ўзбекистон пойтахтлари цирклари-нинг артистлари чиқишлари ўрин олган.

Томошалар иш кунлари соат 18.00, шанба ва якшанбада 12.00 ва 16.00да бошланади.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-32-23, 144-35-91, 144-35-94.
Кассалар соат 9.00 дан ишлайди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-706

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6